*Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун !*

1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# Постда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ НАШРИ

№22 (2663)
1994 ЙИЛ
25 МАРТ
ЖУМА
СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА



*БУГУНГИ СОНДА:*

*2-бет.*
Долзарб мавзу
ИШСИЗЛИК — ЁМОН ИЛЛАТ

*3-бет.*
ҲАФТАЛИК ОЙНАИ ЖАҲОН КЎРСАТУВЛАРИ

*4-бет.*
Хотира
ИБРАТНОМА


# ХАЛҚ МУЛКИ — ДАХЛСИЗ

РЕСПУБЛИКАМИЗ бошидан кечираётган ҳозирги ўтиш даврида халқимизнинг асосий қисми ҳаётдаги баъзи иқтисодий қийинчиликлар вақтинчалик эканини тўғри тушуниб, фидокорона меҳнат қилмоқда. Аммо, шоли курмаксиз бўлмаганидек, шундай қийин паллада ўз манфаатинигина ўйлайдиган, эҳтиёжи йўлида ҳар қандай тубанликка бориб етадиган кимсалар ҳам учраб турибди. Айниқса, шу ўтган қиш кунларида жойларда одамлар кўзидан йироқдаги юқори кучланишли электр тармоқларининг металл устунларини ечиб олиб кетиш авжига чиқиб кетди. Бу эса, электр қуввати узатиш тармоқларининг ишдан чиқишига сабаб бўлмоқда. Натижада баъзи аҳоли пунктларининг чироқсиз, саноат корхоналарининг эса ишламай туриб қолиши хавфи туғилмоқда.

Шуни ҳисобга олиб ички ишлар идоралари ходимлари бу турдаги талон-тарожликларни бартараф этиш ҳамда уларнинг олдини олиш бўйича ўз фаолиятларини кун сайин кучайтирмоқдалар. Бу борада республикада маълум ишлар амалга оширилмоқда.

Наманган вилояти, Поп туманидаги Ғурумсарой қишлоғида яшовчи 1960 йилда туғилган Б. Усмонов ва 1973 йилда туғилган О. Ориповлар шу йилнинг 25 январида "Ғурумсарой" давлат хўжалиги ҳудудидан ўтган юқори кучланишли электр тармоғининг металл устунларидан қотиргичларини бўшатиб олиш йўли билан жами 69 метр узунликдаги 14 дона, умумий қиймати 347 минг сўмлик темир бурчакларни ўғирлаб кетишган.

Уйчи туманида электрсозловчи бўлиб ишлайдиган 1959 йилда туғилган О. Акбаров эса 1970 йилда туғилган, ҳеч қаерда ишламайдиган И. Каримов билан жиноий тил бириктириб "Зарбдор" жамоа хўжалигига қарашли электр насосига тортиб келинган тармоқнинг 800 метр узунликдаги А-25 русумли симини ўмарганлар.

Қашқадарё вилояти Китоб туманида яшовчи Д. Зарқаров билан Т. Аминжоновлар жами 120 метр тиркагични "ґуя" қилишган. Деҳқонобод туманининг "Деҳқонобод", "Белибойли", "Кўкбулоқ" хўжаликларида яшовчи У. Хўжақулов, Э. Эшқулов, Н. Сафаров, Ж. Ғафуров, Н. Сатторов, Н. Заргулов, М. Рўзиевлардан жами 100 метрга яқин темир тиркагичлар ашёвий далил сифатида тортиб олинди.

(Давоми 2-бетда).





# Қутлуғ куннинг қувончлари

МУБОРАК Наврўз айёми республика Ички ишлар вазирлигининг деярли барча бошқарма, бўлимларида зўр шодиёналар билан нишонланди. ИИВ Ёнғиндан сақлаш бошқармасида, Ёнғиндан сақлаш техника олий мактабида, Ахлоқ тузатиш ишлари, Моддий-техника таъминоти бошқармаларида ўтказилган тантаналар ички ишлар ходимлари ва уларнинг оила аъзолари учун бир олам севинч бахш этди. Ушбу кунлар бел боғлаб хизматда бўлган Ички қўшинлар ансамбли санъаткорлари шаънига ҳар қанча таҳсинлар айтилса ҳам оз. Байрам иштирокчиларининг кайфиятларини кўтаришда уларнинг бевосита хизматлари жуда катта бўлди.

**Ўз мухбиримиз.**

**Суратларда: республика ИИВ Моддий-техника таъминоти бошқармасида бўлиб ўтган байрам тантаналаридан лавҳалар.**

**Ҳ. ШОДИЕВ олган суратлар.**

*Ҳашар — элга ярашар*

## Ободонлаштирилди

• 19 март, шанба куни бўлиб ўтган умумхалқ ҳашари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ходимлари учун ҳам ҳақиқий меҳнат байрамига айланди.

• Шу куни вазирликнинг барча ходимлари эрта тонгданоқ ҳашарга киришдилар. Ходимлар вазирлик биноси атрофини ободонлаштиришга, кўркамлаштиришга катта аҳамият бердилар.

• Бу ишларда, айниқса, вазирликнинг Жиноят-қидирув бош бошқармаси, Эксперт-криминалистика бўлими, Ахборот маркази ходимлари алоҳида жонбозлик кўрсатишди.

• Ҳашардан сўнг вазирлик биноси атрофи ўзгача фусункорлик,кўркамлик касб этди.

**З. ҚЎЗИБОЕВ.**

# ҚОНУННИ ҲУРМАТ ҚИЛИШ — ФАРЗ

БУХОРО ШАҲАР Тўқимачилик тумани озиқ-овқат савдоси корхонасига қарашли 1-сон озиқ-овқат дўкони мудири Жалол Ғафуров муқаддам харидор ҳаққига хиёнат қилгани учун туман судининг ҳукмига биноан 3 йил муддатга савдо соҳасида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилган эди. Бироқ, у бундан тўғри хулоса чиқармасдан яна савдо ишларига аралашиб кетди. Кўза кунда эмас, кунида синади, деганларидек, у яна тузоққа илинди. Бу гал харидорнинг ҳаққидан 255 сўм уриб қолиб, ўзига жабр қилди.

Туман суди уни 3 йил муддатга шартли равишда меҳнатга мажбуран жалб қилиш ҳақида ҳукм чиқариб, 5 йил муддатга савдо соҳасида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этди.

Бухоро шаҳридаги Кисловодск кўча, 1-бурилиш, 1-уйда яшовчи Баҳодир Жалилов эса 1992 йил 15 август куни "Москвич-412" русумли Е 35-26 БХ рақамли шахсий автоуловини спиртли ичимлик ичиб бошқаргани учун 1000 сўм миқдорида жарима тўлаган эди. Лекин у бундай енгил жазони писанд қилмади чоғи, шу йилнинг 8 март куни яна маст ҳолатда рулга ўтирди. Натижада Ф. Хўжаев туман суди уни 4 йил муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этди.

Аммо бунга ҳам парвоси фалак Б.Жалилов 1993 йил 15 сентябрь куни маст ҳолда автоулов ҳайдаб кўчага чиққанда ДАН ходимлари томонидан ушланди. У бу сафар автоулов ўриндиғидан суд қора курсисига бориб ўтирганидан кейингина ўз қилмишини англаб етди. Фақат энди кеч бўлган эди.

Туман судининг ҳукми билан ойлик иш маошининг 20 фоизини давлат фойдасига ундириш шарти билан 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш жазосига ҳукм қилиниб, 5 йил муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилди.

Юқоридаги мисолларни қоғозга тушираётиб, мени бир савол ўйлантириб қўйди: бу учарларни қайта-қайта, онгли равишда қонунни бузишларига нима мажбур этди экан?

Наҳотки, улар ҳар бир фуқаро ўзи яшаётган жамиятдаги мавжуд қонунларга бўйсуниши лозимлигини билмасалар?

**Б.БОБОЕВ,**
**Бухоро шаҳар,**
**Ф. Хўжаев тумани ИИБ катта нозири, милиция капитани.**

# КУЛФАТНИНГ САБАБЧИСИ

БЎСТОНЛИҚ туман ИИБ катта участка вакили, милиция капитани Ш. Эрметов жиноятни очиш билан кифояланиб қолмай уни синчиклаб таҳлил ҳам қилади, жиноятнинг олдини олиш учун ҳамма ишлар қилинган-қилинмаганлиги билан қизиқади.

Яқинда катта участка вакилига бир қараганда ғалати туюладиган бир жиноятни очиш билан шуғулланишга тўғри келди. Жиноят содир этилганидан сўнг ўн кун ўтгач, бу ҳақда милицияга хабар қилинган эди.

Январь ойининг бошларида фуқаро Б.га номаълум киши пичоқ билан таҳдид қилган ва унинг 400 минг сўм-купонини тортиб олган.

Бундай қараганда, оддий воқеа. Азият чеккан киши ёрдамида номаълум шахсни қидириб топиш кифоя. Бироқ, бир қатор саволларга жавоб топмасдан туриб , жиноятни очиб бўлмас эди. Аввало, Шуҳрат азият чеккан киши нима учун ўша заҳоти милицияга мурожаат қилмаганини тушуна олмасди: у нимани ёки кимни кутган, нимага умид қилган?

Жиноятни очиш билан шуғулланишдан олдин катта участка вакили Чорвоқ шаҳар милиция бўлимининг бошлиғи, милиция майори Ҳ. Илашев билан нима қилиш, ишни нимадан бошлаш кераклиги хусусида маслаҳатлашди.

Ҳайдар Илашев унга аввал қўшнилардан сўраб-суриштиришни, азият чеккан кишининг таниш-билишлари, айни вақтда унинг ўзи ҳақида батафсил билиб олишни маслаҳат берди. Айниқса, унинг қандай яшаётгани билан қизиқиб кўриш кераклигини тайинлади.

Илашевнинг маслаҳатларига амал қилиб, катта участка вакили қўшнилар билан суҳбатлашди. Азият чеккан киши ҳақида ёмон гаплар айтилмади, лекин Шуҳрат улар нимanидир яшираётганини ҳис этди. Шуҳрат сўраб-суриштирувни давом эттириб, Б. ошна-оғайнилари даврасида спиртли ичимликлар ичишни яхши кўришини аниқлади.

Эрметов талончилик содир этилган куни Б. нинг уйига ошна-оғайнилари йиғилганини аниқлашга муваффақ бўлди. Шу ерлик йигитлар бу уйда ичкиликбозлик билан шуғулланганлар. Улар ўзлари билан бир неча шиша вино олиб келиб, шу ерда ичиб тугатишган.

(Давоми 2-бетда).

